

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 811.111.811.
512.133.

Қаюмова Мунаввар Саноқуловна

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НЕГАТИВЛИК
КАТЕГОРИЯСИНИНГ СИНТАКСЕМ ТАДҚИҚИ**

10.02.20. – қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик,
лингвистик таржимашунослик

Филология фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2010

Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, профессор
Усмонов Ўрал Усмонович

Расмий оппонентлар: филология фанлари номзоди, профессор
Юсупов Ўткир Қурбонович

Етакчи ташкилот: филология фанлари номзоди, доцент
Қўлдошев Ақром Махмудович

Диссертация ҳимояси 2010 йил декабрь ойининг 24 куни
соат 14:00 да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги
К.067.44.02 рақамли ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100138, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий
кутубхонасида (Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а
мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил ноябрь ойининг 24 куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди, доцент

Д.М.Тешабаева.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Бу ютуқларга эришишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унда мамлакатимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва менталитети ҳисобга олинган. Ушбу концепцияда илм-фанни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Президентимизнинг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони¹, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, тилшуносликнинг ҳам тараққий қилишида муҳим роль ўйнамоқда. Бу борада И.А.Каримов таъкидлаганидек, бутун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини бунёд этаётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.²

Инглиз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уни бошқа тиллар, хусусан, ўзбек тили билан типологик жиҳатдан қиёсий тавсифлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси эканлиги шубҳасиз. Шу боис кейинги йиллари типологик тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб бормоқда (А.М.Мухин, В.Н. Бондарко, А.И. Бахарев, Е.В. Гулига, Е.И. Шендельс, В.Г. Гак, Ж. Бўронов, А.А. Абдуазизов, Ў.Қ. Юсупов, Д.У. Ашурова, Г.Х. Боқиева, Ш.С. Сафаров, Н.К.Турниёзов ва б.).

Мазкур диссертация инглиз ва ўзбек тилларида негатив синтактик бирликларни гап қурилмасида компонент ва синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилишга бағишланганлиги билан долзарбдир. Зеро, гап қурилмасининг анъанавий синтактик таҳлили талабга тўлиқ жавоб бера олмаслиги, яъни гап таркибидаги синтактик бирликлар бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиб талқин қилиниши ушбу бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантик моҳиятини аниқлаш ва уларни типологик жиҳатдан мукамал қиёсий таҳлил қилиш зарурлигидан далолат беради.

Инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмасида негативликни ифодаловчи элементлар кенг қўлланилади. Негатив элементли гап қурилмаларини мазкур тиллар мисолида қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишда негативлик категориясининг систем муносабатларини компонентларга ажратиб ўрганиш гапнинг ташқи қурилмасини ташкил қилса,

¹ Каримов И. А. Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида // “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 15 март.

² Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, – Б. 8.

синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш гапнинг ички қурилмасини ташкил қилади.

Негатив элементли синтактик бирликларни гап қурилмасида қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг изоморфлик, алломорфлик хусусиятларини аниқлаш ҳам долзарб масалалардан бўлиб, бу борадаги изланишлар негативлик категориясини турли тизимли тиллардаги синтактик мавқеини аниқлашга кенг имконият яратади. Бундай лингвистик методлар ёрдамида негативлик категориясини таҳлил қилиш синсемантик жиҳатдан назарий ва амалий грамматика, инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси фанларини янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида негативлик категорияси олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу категорияни ўрганишда ҳинд-европа ва туркий тиллар материаллари асосида изланишлар олиб борган П.А.Афанасьев, Р.О.Якобсон, А.И. Бахарев, Т.Г. Цикалиди, В.Н. Бондарко, М.В. Андрийчекова, В.Г. Колшанский, А.М. Мухин, F. Allan, R. Lakoff, T. Baller, R.A. Close, Z.S. Henis, H. Sweet, А. Нурмонов, С. Раҳимов, О. Усмон, Д. Лутфуллаева, М. Йўлдошев, Э. Қиличев, В. Воситов каби тилшуносларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Негативлик категориясини тадқиқ қилишда турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Хусусан, айрим манбаларда негативлик категорияси фалсафанинг объекти ҳисобланса¹, бошқа манбада унга мантиқ нуқтаи назаридан қаралади². Баъзи олимлар негативлик категориясини психолингвистик категория деб ҳисоблайдилар³. Грамматик қурилишнинг шаклланиш муаммоларига бағишланган тадқиқотларда эса негативликни ифодаловчи элементларнинг структур ва систем томонлари мактабгача ёшдаги болалар нутқи мисолида таҳлил қилинади⁴.

Негативлик категорияси кишиларнинг паралингвистик усулдаги мулоқотида ҳам кузатилади. Бунга Ч. Дарвин ишларида ҳам қисман муносабат билдирилган. Г.В. Колшанский таъкидлашича, Ч. Дарвиннинг бу борадаги фикр ва тадқиқотлари, шубҳасиз, паралингвистикада катта кизиқиш уйғотган⁵. Негативлик категориясининг мазмун моҳиятини аниқлашда тилшуносларга ушбу ёндашувларнинг таъсири бўлган. Шунга кўра улар ҳам негативлик категориясига мантиқий, психологик ҳамда шаклий-грамматик жиҳатдан ёндашганлар⁶.

Ўзбекистонда ҳам негативлик категорияси муаммосига оид изчил тадқиқотлар яратилган. Хусусан, С. Раҳимов ўз монографиясида инкорни ифодаловчи элементларни умумий тилшунослик нуқтаи назаридан

¹ Философская энциклопедия. Т.4. – Москва, 1967. С. 186-187.

² Философский словарь. – Москва:Изд-во полит. лит-ры, 1981. – С.268.

³ Коппик П.В. Природа суждения и формы выражения его в языке // Мышление и язык. – Москва, 1957. –С. 157-194.

⁴ Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. – Москва, 1961. – С.117.

⁵ Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва : Наука, 1974. – С. 48.

⁶ Васильева С.А. К вопросу о природе отрицания // Вестник Ленинградского технологического института пищевой промышленности. – Ленинград, 1958. – С.11-22.

таснифлаган, негативлик категориясини турли системага мансуб тиллар мисолида лексик сатҳда тадқиқ қилган¹.

Д. Лутфуллаеванинг докторлик диссертацияси ўзбек тилшунослигида илк марта йўқлик ва инкор ҳодисалари қиёсан ўрганилиб, улар ўртасидаги фарқ, ўхшашликларга аниқлик киритилган, бу икки лисоний ҳодисанинг асл моҳияти, умумий ифода воситалари кўрсатилган, инкор ва йўқлик, мавжудлик ва йўқлик ўртасидаги зиддият очиб берилган².

В. Воситов эса инкорни умумий планда таҳлил этиб, ўз номзодлик диссертациясида полинегативлик ва монологик ҳодисаларининг ифода ва мазмун алоқасини типологик жиҳатдан ўрганади³.

Турли системага мансуб тиллардаги негативлик категорияси синтактик сатҳда типологик категория сифатида компонент ва синтаксемаларга ажратиб тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқотда негатив элементлар бирикиб келган синтактик бирликларнинг бошқа элементлар билан ўзаро синтактик алоқалари, дифференциал синтактик белгилари ва синтактик сатҳдаги семантик майдони ҳамда уларнинг бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари ўрганилади. Шу маънода ушбу диссертация иши мавжуд тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси СамДЧТИ инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедрасининг «Гапнинг ташқи ва ички қурилмаси муаммолари ва уларнинг қиёсий типологияда тутган ўрни» мавзусидаги истиқболли режаси асосида амалга оширилди. Тадқиқот мавзуси СамДЧТИ Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб тасдиқланган (баённома №2, 28 сентябр, 2002 йил).

Тадқиқот мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади инглиз ва ўзбек тилларида негативлик категориясининг синтаксем тадқиқини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Иш олдида қўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларида негатив элементли синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги мавқеини аниқлаш;
- инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд монологик ва полинегативликнинг бир-биридан фарқлаш принципларини ишлаб чиқиш;
- инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларида негативлик элементларининг гапда бажарган вазифасини ўрганиш;
- негатив бирликларнинг гапдаги бошқа компонентлар билан синтактик алоқаларини юнкцион моделлар ёрдамида ифодалаш;
- негатив элементли гаплар компонентларининг дифференциал синтактик белгиларини компонент моделлар асосида изоҳлаш;

¹ Рахимов С. Вопросы структурно-типологической характеристики предложения. – Ташкент: Фан, 1978.

² Лутфуллаева Д.Э. Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгилари асосида зидланувчи гаплар мисолида): Филол.фан.док-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 2006.

³ Воситов В.А. Жаҳон тилларида полинегативлик ва монологик муаммоси: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2008.

– негатив синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаш ҳамда негатив элементли гапларнинг синтаксем таркибини таҳлил қилиш;

– негатив синтаксемаларнинг гапдаги ядро, ядро бўлмаган тобе ва ядро бўлмаган тобе предикатив 1 вазифаларида муайян синтактик асосда бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятларини ва уларнинг вариантларини ўрганиш;

– инглиз ва ўзбек тилларида негатив компонент ва синтаксемаларнинг асосий изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Инглиз ва ўзбек тилларидаги негатив элементли гап қурилмалари.

Тадқиқот предмети. Инглиз ва ўзбек тилларидаги негатив элементли гапларни компонентларга ва синтаксемаларга ажратган ҳолда уларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилиш тадқиқот предмети ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, дистрибутив, трансформацион, статистик, компонент ва синтаксем таҳлил методлари қўлланилган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар.

1. Қардош бўлмаган тиллар системасини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилишда гапдаги негатив элементли унсурларнинг асос қилиб олиниши синтактик сатҳдаги бирликларни структур-семантик таҳлил қилишга катта имконият яратади.

2. Инглиз ва ўзбек тилларида гапларнинг синтактик таҳлиliga янгича ёндашув орқали гапдаги синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқалари (ядро предикатив, ядро бўлмаган предикатив, субординатив, координатив, аппозитив) аниқланиб, негатив элементли бирликларнинг гапдаги ўрни юнкцион моделлар асосида изоҳланади.

3. Гап таркибида негатив элементли компонентларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқа ёрдамида боғланишига кўра уларнинг дифференциал синтактик белгилари ҳамда ифодаланиш имкониятлари компонент моделлар асосида аниқланиши мумкин.

4. Негативликнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги гап таркибида ядро предикатив $2(NP_2)$, ядро предикатив $1(NP_1)$, ядро бўлмаган тобе компонент ($\tilde{N}D$), ядро бўлмаган тобе предикатив $1(\tilde{N}DP_1)$ вазифасида келиши, негативликни ифодаловчи боғловчилар ва негатив аффиксли лексемалар орқали синтактик ифодаланиши кузатилади.

5. Негатив элементли гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш асосида уларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари аниқланади бошқа синтаксемалар билан бирикиш имкониятлари белгиланади.

6. Гап таркибида ядро предикатив $2(NP_2)$ вазифасида 10та синтаксема, ядро предикатив $1(NP_1)$ вазифасида 6та, ядро бўлмаган тобе компонент ($\tilde{N}D$) вазифасида 4та, ядро бўлмаган тобе предикатив $1(\tilde{N}DP_1)$ вазифасида 5та,

инкор боғловчилари ёрдамида 7та, инкор аффиксли элементлар эса 15та, жами 47та негатив синтаксемалар аниқланади, уларнинг ҳар бири синтактик сатҳда алоҳида тил материали сифатида ўрганилиши мумкин.

Илмий янгилиги. Ишда биринчи марта инглиз ва ўзбек тилларидаги негатив элементли гаплар қиёсий-типологик асосда тадқиқ қилинди ва қуйидаги янгиликларга эришилди:

- инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларида негатив элементли синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги мавқеи аниқланди;

- инглиз ва ўзбек тилларида монологативлик ва полинегативликнинг бир-биридан фарқлаш принциплари ишлаб чиқилди;

- инглиз ва ўзбек тилларидаги гап қурилмаларида негатив элементларнинг гапда бажарган вазифаси ўрганилди ва шу асосда негатив бирликларнинг гапдаги бошқа компонентлар билан синтактик алоқалари юнкцион моделлар ёрдамида кўрсатиб берилди;

- негатив элементли гаплар компонентларининг дифференциал синтактик белгилари компонент моделлар асосида изоҳланди;

- негатив синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари аниқланди ва негатив элементли гапларнинг синтаксем таркиби таҳлил қилинди;

- негатив синтаксемаларнинг гапдаги ядро, ядро бўлмаган тобе ва ядро бўлмаган тобе предикатив 1 вазифаларида муайян синтактик асосда бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари ва уларнинг вариантлари ўрганилди;

- гап таркибида ядро предикатив 2(NP_2) вазифасида 10та синтаксема, ядро предикатив 1(NP_1) вазифасида 6та, ядро бўлмаган тобе компонент ($\tilde{N}D$) вазифасида 4та, ядро бўлмаган тобе предикатив 1($\tilde{N}DP_1$) вазифасида 5та, инкор боғловчилари ёрдамида 7та, инкор аффиксли элементлар эса 15та, жами 47та негатив синтаксемалар аниқланиб, уларнинг ҳар бири синтактик сатҳда алоҳида тил материали сифатида ўрганилиши мумкинлиги исботланди;

- инглиз ва ўзбек тилларида негатив аффикслар қайси сўз туркумларига оид сўзлар билан бирика олиши имкониятлари статистик жиҳатдан изоҳланди;

- инглиз ва ўзбек тилларида негатив компонент ва синтаксемаларнинг асосий изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, унда турли системага мансуб тиллар гап қурилмаларидаги негатив элементлар билан синтактик бирликларнинг систем муносабатлари қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур таҳлил синтактик типология муҳим аспектларидан бирининг ўзига хос тадқиқи ҳисобланади. Тадқиқотда негатив элементли гапларнинг компонент ва синтаксемалар таркиби аниқланди, дифференциал синтактик бирликларнинг синтактик алоқалари уларни моделлаштириш усули орқали ойдинлаштирилди. Гап таҳлилига бундай ёндашиш, ўз навбатида, синтактик типология ва синтактик сатҳдаги семантик майдон, назарий грамматикада учрайдиган айрим баҳсалаб муаммолар ечимини

топишга хизмат қилади. Ишда қўлланилган методлар ёрдамида тадқиқот олиб бориш усули бу борадаги бошқа тадқиқотларга ҳам кенг йўл очади.

Негатив элементли гапларни лингвистик методлар асосида таҳлил қилиш натижаларидан бакалаврларга назарий ва амалий қиёсий грамматика, магистрантларга лингвотипология, структуравий тизимли лингвистика, таржима назарияси ва амалиёти, синтактик семантика каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотларда ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўқув ҳамда методик қўлланмалар, дарсликлар яратишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида олинган умумий хулосалар қардош бўлмаган тиллар системасидаги ҳар қандай синтактик бирликларни лингвотипологик жиҳатдан таҳлил қилишда ҳам фойдалидир.

Ушбу ишдан олинган натижалар, айниқса, инглиз тилини ўрганаётган ўзбек гуруҳи талабалари учун жуда муҳим, чунки инглиз тилидаги негатив префикслар русийзабон талабалар учун қийинчилик туғдирмайди, зеро рус тилида негатив префиксли лексемалар кўпчиликти ташкил этади. Бу жиҳатдан диссертацияга илова қилинган “Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча негатив аффиксли лексемалар луғати” катта амалий аҳамиятга эга.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан СамДЧТИ инглиз филологияси факультетида юқори босқич талабалари ҳамда магистрантларига амалий ва назарий грамматика, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти каби фанларни ўтишда, “Гап семантикаси ва унинг қиёсий типологиядаги талқини” мавзусидаги махсус курсни ўқишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация СамДЧТИ инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедрасида бажарилган ва ушбу кафедра ҳамда инглиз тили лексикаси ва стилистикаси кафедраларининг қўшма йиғилишида (2010 йил 17 июнь 3-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқот ЎзДЖТУ ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар йиғилишида (2010 йил 15 октябрь 2-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Илмий тадқиқотда эришилган натижалар, хулосалар ва айрим тавсиялар Навоий педагогика институтида ҳар йили ўтказиладиган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжуманларида (2006-2010), СамДЧТИда ўтказилган халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларда (2007-2010), ЎзДЖТУда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда (2009) маърузалар асосида баён қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий мазмуни бўйича Республика илмий журналларда (2), халқаро миқёсда (2) ва илмий тўпламларда (5) – жами 9 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил қилади. “Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча негатив аффиксли лексемалар луғати” илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, фойдаланилган методлар, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, объекти, предмети, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, синовдан ўтиши, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Ишнинг биринчи боби «**Тилшуносликда негативлик категорияси**» деб номланади. Унда негативлик категориясининг умумий тилшуносликдаги энг муҳим муаммолардан бири эканлиги, унинг шакл ва мазмун ўртасидаги алоқа, гап қурилмасида тутган ўрни, улар билан ифодаланадиган фикр ҳамда гапда негатив элементи иштирок этаётган компонентларнинг қайси бирига тегишли эканлиги ва уларнинг ифодаланишида семантик майдон сифатида атрофлича ўрганилмаганлиги асослаб берилди. Бундан ташқари ушбу бобда негативлик категориясининг рус, немис, инглиз ва ўзбек тилшунослигида ўрганилганлик даражаси қайд этилди. Ушбу боб тўрт бўлимдан ташкил топган.

Бобнинг «**Негативлик категориясининг тадқиқи**» деб номланган биринчи бўлимида негатив элементли синтактик бирликларнинг гап қурилмасида ҳар хил синтактик ўринда келиши, бошқа компонентлар билан турлича синтактик алоқалар ёрдамида боғланиши, уларнинг турли синтактик ўринларда ҳар хил дифференциал синтактик ва семантик белгиларни қамраб олиши, негативликни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишга кенг йўл очади. Бу бўлимда А.М. Мухин (1968; 1976; 1980; 1999) ва унинг шогирдлари Е.Б. Аристова (1982), Г.П. Белинская (1981), У. Усмонов (1983; 1982; 2004) ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш методи асосида ўрганиш ва тадқиқот натижаларини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилишнинг афзалликлари кўрсатиб ўтилди.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «**Негативлик категориясининг синтактик сатҳда қиёсий-типологик таҳлили**» деб номланиб, унда тилларни қиёсий ўрганиш тарихига қисқача тўхтаб ўтилди. А. Мейе (1938), Ф.Ф. Фортунатов (1956), Э.А. Макаев (1964), С.Е. Bazell (1956), И.И. Мещанинов (1953) каби олимлар ҳинд-европа тилларини, Республикамизда эса инглиз-ўзбек, инглиз-ўзбек-рус, немис-ўзбек, немис-қорақалпоқ, инглиз-қорақалпоқ тилларини қиёсий ўрганишда Е.Д. Поливанов, А.А. Абдуазизов, Ж.Б. Бўронов, Ў.Қ. Юсупов, М.А. Абдураззоқов ва бошқалар қиёсий-типологик назариялар борасида муайян ишларни амалга оширдилар қўшган ҳиссалари каттадир. Жумладан, тилларни қиёсий ўрганишда муҳим. Ж. Бўронов томонидан қиёсий тилшуносликнинг назарий асослари ишлаб чиқилган бўлса, Ў.Қ. Юсупов аниқ тиллар мисолида қиёсий-типологик лингвистиканинг назарий асосларини яратди.

Ушбу олимлар томонидан яратилган қиёсий-типологик назарияларга асосланиб, диссертацияда инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмасида негатив синтактик бирликлар, уларнинг гапдаги ўрни, компонентлараро синтактик

алоқалари аниқланди ва дифференциал синтактик белгилар ҳамда дифференциал синтактик–семантик белгилар қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этилди.

«Инглиз тилида негативлик категориясининг ифодаланиши» деб номланган учинчи бўлимда инглиз тилида негативлик категориясининг тарихий ифодаланиш усуллари ҳақида ҳамда уларнинг ҳозирги замон инглиз тилида синтактик, лексик ва негатив аффикслар ёрдамида ифодаланиш усуллари ҳақида сўз юритилди. Инглиз тилида негативлик категориясини тадқиқ қилиш натижасида мазкур тилда негативлик категориясининг ифодаланиш усуллари аниқланган.

Бугунги инглиз тилида бўлишсизлик тушунчаси суффикслар, префикслар, инкор олмошлари ва равишлари орқали ифодаланади:

а) аффикслар ёрдамида ифодаланган негативлик категорияси тилнинг лексик қатламида учраб, бутун бир асосан, лексик birlikларнинг антонимини намоён қилиш билан барча гапнинг бўлишсизлик (инкор) шакллари ҳам ифодалайди;

б) негативликнинг ифодаланишида энг маҳсулдор усул инкор юклама **“not”** гапларда кесим ўрнида келган феъл, от, сифат, сон кабилардан олдин ёрдамчи ёки боғлама феълларга қўшилиши орқали ифодаланади;

в) негативлик ифодаланишининг лексик усули ҳам мавжуд бўлиб, улар бўлишсизлик (инкор) олмошлари, равишлари ва боғловчилар *no, neither ... nor, no one, nobody, nothing, none, nowhere* ёрдамида шакллантирилади.

Бу ўринда предикатив негатив ва предикатив бўлмаган негатив¹ ҳодисаларга ҳам батафсил тўхтаб ўтилди ҳамда уларни фарқлаш масаласи хусусида сўз юритилди.

Биринчи бобнинг тўртинчи бўлими **«Ўзбек тилида негативлик категориясининг ифодаланиши»** деб номланди. Унда ўзбек тилида негативлик категориясининг ифодаланиши ўрганилди. Ўзбек тилшуносларининг таъкидлашича: „...кесим ўрнида келган феълнинг бўлишсизлик шакли *-ма* аффиксининг қўшилиши ёрдамида ифодаланса, равишдошнинг бўлишсиз шакли икки хил усул билан, яъни асосий феълнинг инкор шакли ва тўлиқсиз феъл *-мас* ёрдамида ифодаланади”².

А. Ғуломов ва М. Асқарова инкорни ифодаловчи боғловчилар ҳақида сўз юритиб, „...гап қурилмасида мураккаб бирикмалар ўзаро инкор боғловчилар *„на.....на”* ёрдамида ифодаланади”³, деб таъкидлайдилар.

О. Усмон бўлишсизликнинг сўз ясалишидаги аффиксал усулига тўхталиб, «Ҳозирги замон ўзбек тилида *но-* префикси фаол негатив сўз ясовчи префикс ҳисобланади”⁴ – деб ёзади. Бундан ташқари инкор олмошларининг ифодаланишида «*ҳеч*» сўзининг аҳамияти ҳақида айтилса-да,

¹ Fisiek T. A Short Grammar of Middle English. – Warszawa, 1968. – P. 163; Иванова И.П., Чахоян. Л.П. История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1976. – С. 264.

² Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 123., Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Бухоро: Бухоро университети нашриёти, 2001. – Б. 199.

³ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987 – Б.169.

⁴ Олим Усмон. Русча не-префиксли терминларни ўзбек тилида ифодалашда *но-* префиксининг роли// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 1979. –№2 –Б. 18-20.

уларнинг гап таркибида тутган ўрни ва семантик майдони ҳақида фикр билдирилмаган.¹

Ўзбек тилида негативлик маъносини ифодаловчи элементларнинг инглиз тилидаги бундай элементлардан фарқи шундаки, ўзбек тили гап қурилмаларида бир неча бўлишсизлик элементлари ишлатилиши мумкин, лекин инглиз тилида бундай ҳолат учрамайди. Шу боис ўзбек тилини полинегатив тил, инглиз тилини монологатив тил деб баҳолаш мумкин.

Умуман, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида негативлик категориясининг синтактик сатҳда семантик майдони қиёсий-типологик жиҳатдан махсус тадқиқот объекти бўлмаган.

«Негатив компонентли гаплар типологияси» деб номланган иккинчи боб тўрт бўлимдан иборат. Негативлик категорияси ҳақида кўплаб илмий мақола ва рисолалар мавжудлигига қарамай, ушбу мавзу лингвистикада, жумладан, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида синтактик сатҳда негативли элементларнинг семантик майдони қиёсий-типологик жиҳатдан махсус монографик – планда ўрганилмаганлиги таъкидланди. Негатив элементли гап таркибини компонентларга ажратиб таҳлил қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- гап таркибидаги синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини аниқлаш;
- гап таркибидаги компонентларнинг дифференциал синтактик белгиларини аниқлаш;
- гап таркибидаги синтактик бирликларнинг морфологик ифодаланиш усуллариини компонент моделлари ёрдамида ёритиш;
- турли системага мансуб тиллар мисолида синтактик сатҳда негативли синтактик бирликларнинг гапда тутган ўрнини аниқлаш;
- негатив элементларининг тил сатҳлариаро боғлиқлиги ва фарқли томонларини ўрганиш.

Негатив элементли гаплар таркибини компонентларга ажратиб таҳлил қилиш анъанавий синтактик таҳлилдан юқорида келтирилган принциплар билан фарқланади. Анъанавий грамматикада гапнинг синтактик таҳлили деганда, гапни бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиш ва гап бўлақларига савол қўйиш усуллари билан аниқлаш тушунилади. Унда фойдаланиладиган терминлар “эга” ва “кесим” мустақил атама сифатида қўлланилади. Гапнинг синтактик таҳлили жараёнини гап бўлақларига ажратиб таҳлил қилиш борасида, айтиш жоизки, «савол саволлар ҳақида» каби усуллар билан ёритиш мактаб грамматикасидаги типик адашишдан ўзга нарсас эмас. Мазкур ишда гап бўлақлари деб фойдаланиладиган терминлар бошқа терминлар ёрдамида дифференциал синтактик белгилар асосида ифодаланди, яъни эга ўрнига ядро предикатив 1 (NP₁), кесим ўрнига ядро предикатив 2 (NP₂), иккинчи даражали бўлақлар ўрнига ядро бўлмаган тобе (ND) компонентлар каби лингвистик терминлардан фойдаланилди.

¹ Усмонов Ў. Тўлиқсиз гапларнинг типологик таҳлили. // Кўҳна Туроннинг Буюк фарзанди. Тўплам. – Самарқанд, 1996. – Б. 90; Тўлиқсиз гапларнинг синтактик таҳлили ҳақида // Илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, 2004. – Б. 171.

Мазкур бобнинг «Ядро предикатив 2 вазифасида келган негативлик типологияси» деб номланган дастлабки бўлимида негатив элементли бирликлар гап таркибида NP₂ ўрнида келган компонентлар инглиз ва ўзбек тилларида юнкцион ва компонент моделлар асосида қиёсий таҳлил қилинди.

Анъанавий грамматикада эга ва кесим ўзаро мослашади. Тобе сўз ўз формасини ҳоким сўзнинг формасига тенглаштиради. Бунда ҳоким сўзнинг формаси ўзгариши билан тобе сўзнинг формаси ҳам ўзгаради, тобе сўз ўз формасини ҳоким сўз формасига мувофиқлаштиради, мослаштиради.¹ Мослашувни бундай таърифлашда, А.М. Мухин таъбири билан айтганда, у синтактик алоқа эмас, балки морфологик алоқадир, чунки эга ва кесим гапнинг асосий ядролари ҳисобланиб, улар ўртасида ядро предикатив алоқа бўлиши зарур.² Ядро предикатив алоқа бошқа синтактик алоқаларга тобе бўлмаган ҳолда, ўзи мустақил тугал фикрни англатувчи гапни олади, ундан ташқари, у тенг ҳуқуққа эга бўлган икки ядро компонентни ўзаро боғлайди. Шунинг учун ҳам юнкцион моделларни ифодалашда икки томонга йўналтирилган ва икки томонлама кўрсаткичга эга бўлган белги қўлланилади ($\longleftrightarrow$).

You don't know me (D.Carter). *Султон кўзини очмайди.* (О.Ёкубов, 188).

Ушбу гапларда *You*, *Султон* ядро предикатив 2 ўрнида келган *don't know*, *очмайди* билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади, *me*, *кўзини* эса *don't know*, *очмайди* элементларига тобе бўлиб, субординатив алоқа асосида боғланади ва юнкцион моделда ($\rightarrow$ ёки $\leftarrow$) белги билан ифодаланади:



Юнкцион моделлар асосида гапларда иштирок этган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгиларини аниқлаймиз: *You* ва *Султон* – ядро предикатив 1 (N-nucleer, P1-Predicated) – NP₁, иккинчи компонентлар *don't know*, *очмайди* – ядро предикатив 2 (P2-Predicating) – NP₂; учинчи компонентлар *me*, *кўзини* – ядро бўлмаган тобе ($\tilde{N}$ -unnuclear, D-dependent) – $\tilde{N}D$ каби белгилар билан белгиланиб, уларнинг компонент моделлари ва морфологик хусусиятлари қуйидагича ифодаланади:

1 2 3
You don't know me.

1 3 2
Султон кўзини очмайди

1 2 3

1 3 2

¹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 15.

² Мухин А.М. Модели внутренних синтаксических связей предложений// Вопросы языкознания. – Москва, 1970. – №4. – С.70.


$$\frac{NP_1}{Pnp} \cdot \frac{NP_2}{auxngVinf} \cdot \frac{\bar{ND}}{Pnp}; \quad \text{к.м.}$$

$$\frac{NP_1}{S} \cdot \frac{\bar{ND}_2}{S} \cdot \frac{NP_2}{Vimpng}; \quad \text{к.м.}$$

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “**Негатив олмошларнинг гапдаги вазифаси**” деб номланган. У тўрт параграфга бўлинади:

“**Ядро предикатив 1 компоненти (NP₁) вазифасида келган негатив олмошли гаплар**” ўрганилган биринчи параграфда NP₁ вазифасида келган негатив олмошли гаплар икки инглиз ва ўзбек тилларида компонентларга ажратиб моделлаштириш (юнкцион, компонент) усули ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди:


No one had seen his face (E.L.Voinich)



Ю.М.

$$\frac{NP_1}{PnNg} \cdot \frac{NP_2}{auxVp2} \cdot \frac{\bar{ND}}{Pnps} \cdot \frac{\bar{ND}}{S}; \quad \text{к.м.}$$

Хеч ким буни билмайди. (О. Ёқубов)





Ю.М.

$$\frac{NP_1}{PnNg} \cdot \frac{\bar{ND}}{Pndm} \cdot \frac{NP_2}{Vfnng}; \quad \text{к.м.}$$

“**Ядро предикатив 2 компоненти (NP₂) вазифасида келган негатив олмошли гаплар**” ўрганишга бағишланган кейинги параграфда NP₂ вазифасида келган негатив олмошли гаплар ҳар икки тилда компонентларга ажратиб моделлаштириш (юнкцион, компонент) усули ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди:

1 2 3
She is nothing more .

1 3 5 4
Отажон уни қартабозлар даврасида хеч
кўрмаганди.
2



Ю.М.


Уларнинг дифференциал синтактик белгиларини компонент моделларда куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{1}{Pnp} \cdot \frac{2}{NP2} \cdot \frac{3}{\bar{ND}}; \quad \frac{1}{NP1} \cdot \frac{3}{\bar{ND}} \cdot \frac{5}{\bar{ND}} \cdot \frac{4}{\bar{ND}} \cdot \frac{2}{NP2};$$


$$\frac{1}{S} \cdot \frac{3}{Pnp} \cdot \frac{5}{S} \cdot \frac{4}{Adv} \cdot \frac{2}{NgVng};$$

К.М

“Ядро бўлмаган тобе компонент ($\bar{ND}$) вазифасида келган негатив олмошли гаплар” параграфида $\bar{ND}$ вазифасида келган негатив олмошли гаплар инглиз ва ўзбек тилларида компонентларга ажратиб моделлаштириш (юнктион, компонент) усули ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди:



Ю.М.



Ю.М.

I deny nothing

$$\frac{NP_1}{Pnp} \cdot \frac{NP2}{Vf} \cdot \frac{\bar{ND}}{PnNg};$$

У ҳеч нимага эриша олмайди

$$\frac{NP_1}{Pnp} \cdot \frac{\bar{ND}}{PnNg} \cdot \frac{NP2}{Vmng};$$

У бошқа ҳеч нимага эриша олмайди. (Б. Раҳим)

Булардан ташқари, инглиз тили мисолида негатив олмошлари ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1 ($\bar{NDP}_1$) ўрнида келиши мумкин:

There is nothing to be afraid of (D.Carter)

“Ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компоненти ($\bar{NDP}_1$) вазифасида келган инкор олмошли гаплар” тадқиқ этилган. Параграфда гапнинг бундай тури фақат инглиз тилига хос эканлиги аниқланди.

1. *She looked at no one to reveal* (D.Carter)

2. *I have nothing to hide* (E.L.Voinich)

3. *You have nothing to confess* (D.Carter)

Ушбу гапларда учинчи компонентлар *no one*, *nothing*, *nothing* сўзларининг синтактик хусусиятлари икки синтактик алоқа асосида намоён бўлади:

биринчидан, ядро бўлмаган тобе ядро предикатив 1 ($\bar{NDP}_1$) компонентлари вазифасида келган *no one*, *nothing*, *nothing*, ядро предикатив 2

ўрнида келган *looked at, have, have* компонентлар билан субординатив алоқа асосида боғланса, иккинчидан, феълнинг шахссиз шакли, яъни инфинитив (*to reveal, to hide, to confess*) билан ядро бўлмаган предикатив алоқа асосида боғланади. Шунинг учун ҳам $\bar{N}DP_1$, ўрнида келган *no one, nothing, nothing* компонентлари икки валентли компонент ҳисобланади. Ядро бўлмаган предикатив алоқанинг ядро предикатив алоқадан асосий фарқи шундаки, у гапнинг асосий қурилмасини ташкил қилмайди.

Иккинчи бобнинг **“Негатив ифодаловчи боғловчиларнинг гапдаги вазифаси”** деб номланган учинчи бўлимида инглиз ва ўзбек тилларида бўлишсизликни ифодалайдиган бириктирувчи боғловчилар инглизча *neither...nor*, ва ўзбек тилидаги *на...на* кабиларнинг гап таркибида уюшиқ бўлакларни координатив алоқа асосида боғлаб келиши ўрганилди. Ҳар икки тилда ҳам инкорни ифодаловчи *neither...nor* ва *на...на* кабиларнинг гапдаги ўрни ва англатаётган маъноси бир-бирига мувофиқ келади ва улар уюшиқ ядро предикатив 1, уюшиқ ядро предикатив 2, ядро бўлмаган тобе уюшиқ компонентлар олдида ишлатилади, бўлишсизлик маъноси айнан биргина синтактик элементларга тегишлилигини англатади.

“Негатив аффиксли лексемалар типологияси” деб номланган бўлимда инглиз ва ўзбек тилларида негативликни ифодалашда негатив аффиксларнинг ўрни хусусида сўз боради. Бўлишсизлик инглиз тилида - *less*, ўзбек тилида эса – *сиз* суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади. Лекин улар бир-бирига мос келиши ва мос келмаслиги ҳам мумкин. Мос келиши: *lifeless* – жонсиз, *groundless* – асоссиз, далилсиз, *weightless* – аҳамиятсиз, *strainless* – доғсиз. Ўзбек тилидаги - *сиз* сифат ясовчи негативликни ифодаловчи элемент инглиз тилида бир нечта префикслар ёрдамида ифодаланиши мумкин:

Ўзбек тилида - *сиз* суффикси сифат ясашда энг маҳсулдори ҳисобланади. Баъзан *бе-* префикси ҳам ишлатилади ва у инглиз тилига *im-*, *dis-*, *un-*, *in-*, *ir-* ёрдамида таржима қилинади. Ўзбек тилида *но* - префикси инглиз тилида *un-*, *im-*, *ad-*, *ir-*, *in-*, *il-*, *dis-*, *non-* кабилар орқали берилади. Инглиз тилида *-un* префикси ўзбек тилида турлича ифодаланади. *Un-сизлик*, - *сиз*, *бе-*, *-ма+ган*, *-мас*, *но-* орқали берилади.

- сиз	un + A = unlucky – бахтсиз
	im + A = imponderable – аҳамиятсиз
	ill + A = ill – favoured – кўрксиз, кўримсиз
	in + A = insignificant – маъносиз
	dis + A = disrespectful – ҳурматсиз, юзсиз
	non + A = noncellular – ҳужайрасиз
	ir + A = irrelevant – ўринсиз

Негатив аффиксли элементлар гап курилмаси кузатилганда, уларнинг ядро предикатив 1(NP₁), ядро предикатив 2(NP₂), уюшиқ ядро предекатив 2, ядро бўлмаган тобе (ÑD), уюшиқ ядро бўлмаган тобе (HÑD) компонентлари ўрнида келганлиги кузатилади.

Диссертациянинг «Негатив синтаксемалар типологияси» деб номланган учинчи боби етти бўлимдан ташкил топган. Унда негатив элементли гаплар синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинди.

“Ядро предикатив 2(NP₂) вазифасида келган негатив синтаксемалар” ни ўрганишга бағишланган бўлимда, асосан, гап таркибида кесим вазифасида келган негативли бирликларнинг синтактик сатҳда семантик майдони ва уларнинг бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари аниқланди. Инглиз ва ўзбек тилларида NP₂ ўрнида келган процессуаллик доирасида негатив актив, негатив актив модал, негатив статив, негатив статив модал, негатив актив дериктив синтаксемалар текширилди. Субстанциаллик доирасида негатив идентификацияловчи, негатив посессив, негатив экзистенциал, квалификативлик доирасида эса негатив квалитатив, негатив квантитатив синтаксемалар аниқланиб, уларнинг бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари 1-жадвалда изоҳланди:

NP ₂ \ NP ₁	NgAc	NgAcMd	NgAcDr	NgId2	NgQ1t	NgQun	NgPs	NgEx	NgSt	NgStMd
SbAg	+	+								
SbSt									+	+
SbOb			+							
SbId1				+						
SbQ1t					+					
SbQun						+				
SbPs							+			
SbEx								+		

1. I shan't come back (E.L.Voinich)

2. Бироқ у қайтмайди (Б.Раҳим)

shan't come back, *қайтмайди* – негатив актив синтаксема (NgAc);

I, у – субстанциал агентив синтаксема (SbAg).

Бобнинг «Ядро предикатив 1 (NP₁) вазифасида келган негатив олмошлар ифодалаган синтаксемалар» деб номланган кейинги бўлимида

негатив олмошлар ифодалаган синтаксемалар инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий таҳлил қилинди. Бу бўлимда субстанциал категориал белги асосида нокатегориал белгилардан негатив агентив, негатив объект, квалитативлик юклатилган негатив, негатив посессив, стативлик юклатилган негатив синтаксемалар ва уларни бир-биридан фарқлаш жараёнида эксперимент методидан фойдаланилди. Ядро предикатив алоқа асосида қандай синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари 2-жадвалда изоҳланди:

NP ₁ \ NP ₂	SbNgAg	SbngOb	SbngQ1t	SbngPs	SbNgSt	SbngEx
Pr Ac	u					
PrngAc	ў					
PrAcDr		u				
PrngAcDr		ў				
Q1fQ1t			u			
Q1fQ1tng			ў			
SbPs				u		
SbngPs				ў		
Q1fSt					u	
Q1fngSt					ў	
PrEx						u
PrngEx						ў

1. *No one was watching at the spyhole.* (E.L.Voinich)

2. *Бир ойдаёқ ҳеч ким қолмади.* (Б.Раҳим)

No one, ҳеч ким – субстанциал негатив агентив синтаксема.

was watching – процессуал актив синтаксема

қолмади – процессуал негатив актив синтаксема

Бобнинг учинчи «Ядро предикатив 2 (NP₂) вазифасида келган негатив олмошлар ифодалаган синтаксемалар» бўлимида инглиз ва ўзбек тилларида субстанциал негатив идентификацияловчи синтаксема қиёсий ўрганилди, унинг лексик базаси инглиз тилида *to be* шахсли шакли ва инкор олмоши билан, ўзбек тилида эса инкор олмоши ва *йўқ* ёки тўлиқсиз феълнинг инкор шакли асосида ифодаланганлиги хусусида фикр юритилди.

1. *Two is company but three is none.* (Proverb)

2. *Қирқ кун ҳеч вақо эмас.* (О.Ёкубов)

«Тобе компонент (ND) вазифасида келган негатив олмошлар ифодалаган синтаксемалар» деб номланган тўртинчи бўлимда инглиз ва ўзбек тилларида инкор олмошлар тобе компонент вазифасида келиб, ядро

предикатив 2 вазифасидаги синтактик бирликлар билан субординатив алоқа асосида боғланганлиги кўрсатиб берилди. Субординатив алоқа сўз бирикмалари таркибида ҳоким ва тобе компонентни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Негатив олмошлар тобе компонент ўрнида келиб, субстанциал негatif объект синтаксемани ифодалайди. Инглиз тилида субстанциал негatif объект синтаксема субординатив алоқа асосида процессуал актив синтаксема билан боғланса, ўзбек тилида у процессуал актив негatif синтаксема билан боғланиши натижасида фарқланади.

Учинчи бобнинг «**Ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ($\dot{N}DP_1$) вазифасида келган негatif олмошлар ифодалаган синтаксемалар**» деб номланган бешинчи бўлимида фақат инглиз тили материаллари асос қилиб олинди. Бундай негatif олмошлар фақат объект предикатив конструкциялар таркибида учрайди, ўзбек тилида эса ушбу конструкциялар йўқ. $\dot{N}DP_1$ вазифасида келган негatif олмошлар гап таркибига икки синтактик алоқа асосида боғланади¹. Бу синтактик ўринда негatif олмошлар объект негatif агентив, ҳолат юклатилган негatif объект, объект негatif идентификациялашган, квалитативлик юклатилган объект негatif, атрибуцион объект негatif синтаксемалар субстанциал синтаксема асосида аниқланди.

Кейинги «**Негatif боғловчилар ифодалаган синтаксемалар**» бўлимида инглиз ва ўзбек тилларида *neither.....nor* ва *на...на* бириктирувчи боғловчилар билан бирикиб келган уюшиқ элементларининг гапда ядро предикатив 1, ядро предикатив 2, ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида келиши кўрсатиб ўтилди. Гапда уюшиб келган синтактик бирликлар синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилинди. Инглиз тилида ядро предикатив 1 вазифасида келган уюшиқ бўлаклар субстанциал партитив (қисман) негatif агентив, ядро предикатив 2 вазифасида келган уюшиқ элементлар процессуал негatif актив, тобе компонент ўрнида келган уюшиқ элементлар субстанциал негatif локатив синтаксемалар аниқланди.

Ўзбек тилида эса субстанциал негatif экзистенциал, квалитатив негatif объект, процессуал негatif актив синтаксемалар аниқланди.

«**Негatif аффиксли компонентлар ифодалаган синтаксемалар**» деб номланган еттинчи бўлимида инглиз ва ўзбек тилларида негatif аффиксли лексемаларнинг гап таркибида тутган ўрни уларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари статистик (луғатлар ёрдамида) таҳлил қилинди.

Гап таркибида негatif аффиксли лексемаларнинг ядро предикатив 1, ядро предикатив 2, уюшиқ ядро предикатив 2, ядро бўлмаган предикатив 2, ядро бўлмаган тобе ҳамда уюшиқ ядро бўлмаган тобе компонентлар вазифасида келиши аниқланди.

Ядро предикатив 1 компоненти вазифасида келганда субстанциал негatif партитив, стивлик юклатилган субстанциал негatif партитив

¹ Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 2008. – С. 12.

синтаксемалар, ядро предикатив 2 вазифасида процессуал негатив актив континуатив, процессуал негатив актив результатив синтаксемалар, уюшиқ ядро предикатив 2 компоненти вазифасида процессуал негатив актив партив, процессуал негатив актив дериватив, ядро бўлмаган предикатив 2 вазифасида квалификатив негатив статив, квалификатив негатив квалитатив, тобе компонент ўрнида эса негатив квалитатив, субстанциал негатив объект, квалификатив негатив тарз, субстанциал негатив локатив, негатив индефинит квантитатив, негатив лимитатив бўлмаган, негатив темпорал, субстанциал негатив каузал синтаксемалар аниқланди.

Инглиз ва ўзбек тилларида негатив аффиксларининг сўз туркумлари билан бириктирилган имкониятлари луғат асосида статистик жиҳатдан фоиз ҳисобини қуйидаги 3-жадвалда изоҳлашни афзал кўрдик. Бу жадвал инглиз тили мисолида “Macmillan Essential Dictionary”(-Midsomer Norton, Radstock, United Kingdom, London, 2007. – 861p.) луғати асосида ишлаб чиқилди:

№	Аффикс	Умумий сони	%	noun	%	Adject.	%	verb	%	adverb	%
1.	ab-	6	0,4	3	0,2	3	0,2	-	-	-	-
2.	dis-	227	13,8	78	34,3	43	18,9	101	44,4	5	2,2
3.	non-	60	3,8	31	51,6	29	48,3	-	-	-	-
4.	in-	287	17,5	90	31,3	193	67,2	1	0,3	3	10
5.	im-	73	4,5	25	34,2	45	61,6	2	2,7	1	1,3
6.	il-	41	2,4	11	26,8	28	68,2	2	4,8	-	-
7.	in-	40	2,5	10	25	30	75	-	-	-	-
8.	un-	644	39,1	19	2,9	604	93,7	9	1,3	12	1,8
9.	-less	174	10,5	2	1,1	172	98,9	-	-	-	-
10.	mis-	97	5,8	43	44,3	6	6,1	48	49,4	-	-
Жами:		1645	100	310	18,9	115	69,9	163	9,9	21	13

Қуйидаги жадвал 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (–Тошкент: ЎМЭ, 2006–2008) асосида ишлаб чиқилди:

№	Аффикс	Умумий сони	%	от	%	сифат	%	феъл	%	равиш	%
1.	бе-	238	23,9	86	36,3	140	58,8	3	1,2	9	3,7
2.	-сиз	677	61,8	205	30,2	420	62	49	7,2	3	0,4
3.	но-	78	7,8	22	28,2	51	65,3	3	3,8	2	2,5
Жами:		993	100	313	31,5	611	61,5	55	5,5	14	1,4

ХУЛОСА

Жаҳон тилшунослигида негативлик категориясини тадқиқ этишда фалсафий, мантикий, психолингвистик, паралингвистик жиҳатлардан ёндашувлар мавжуд. Бизнинг ишимизда негатив элементлар мавжуд бўлган курилмалар синтактик сатҳда қардош бўлмаган тиллар системасини қиёсий-типологик жиҳатдан аниқ лингвистик методлар (компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш, дистрибутив таҳлил методи, эксперимент методи) ёрдамида тадқиқ этилди. Ушбу лингвистик метод ҳар икки тилда негативли элементларни таҳлил қилишда янгича ёндашув ҳисобланади. Жумладан, негатив элементли гапларнинг ташқи ва ички курилмаларини, яъни гапдаги синтактик birlikларнинг синтактик алоқаларини белгилаш, уларнинг дифференциал синтактик белгиларини ҳамда семантик майдонини аниқлаб, уларни қиёсий таҳлил этиш замонавий синтактик типологиянинг ўзига хос янгича ёндашувларидандир. Юқорида қайд этилганларга кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Диссертацияда негативликни категория сифатида олиб қараб, хорижий ва ўзбек тилшуносларининг фикрларига эътибор қилинган ҳолда, қиёсий-типологик жиҳатдан биз ёндашаётган лингвистик усуллар асосида негативли синтактик birlikларни таҳлил қилиш бўйича бирорта илмий тадқиқот амалга оширилмаганлигига гувоҳ бўлдик.

2. Инглиз тилида бўлишсизлик ёки негативлик гапда кесим ўрнида келган асосий синтактик birlikлар олдидан ёрдамчи, боғлама ва модал феълларга инкор *not* юқламаси қўшилиши орқали ифодаланса, ўзбек тилида асосий феълнинг шахсли шаклига *–ма* бўлишсизлик аффиксини қўшилиши билан, ҳаракат номини ифодаловчи сўзларга *–маслик* аффикси қўшиш билан ҳамда тўлиқсиз феъл *эмас* ёрдамида ҳам ифодаланади. Аммо таъкидлаш жоизки, *–ма* аффикси гапда ҳаракатни ифодаловчи элементларда бўлишсизликни ифодаласа, тўлиқсиз феъл *эмас* нафақат иш-ҳаракатни ифодаловчи элементларнинг бўлишсизлигини, балки предметнинг, сифатнинг, соннинг ҳам бўлишсизлигини ифодалаш учун хизмат қилади. Булардан ташқари, мустақил феълларнинг ўтган ёки ҳозирги замон шаклларида берилганда бўлишсизлик *йўқ* сўзи ёрдамида ҳам ифодаланади. Негативликнинг бундай ифодаланишини ҳар икки тилда (инглиз ва ўзбек тили) ҳам синтактик усул деб тан олиш мумкин.

Негативликнинг ифодаланишида инкор олмошлари, равишлари инглиз тилида *no one, nobody, nothing, never, nowhere, non* ўзбек тилида *ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч ерда, ҳеч бир* кабилар ёрдамида ифодаланиши лексик усулда ифодаланади. Ҳар иккала тилда боғловчи *neither ... nor* ва *на ... на* лар билан ҳам негативлик уюшиқ бўлаклар билан келади.

Шунингдек, негативликни ифодаловчи аффикслар *ab-, dis-, non-, in-, im-, il-, ir-, un-, less-, miss-* ва *сиз-, бе -, но-* кабилар ёрдамида ҳам намоён бўлади.

3. Негатив элементли гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилишда, негативли элементларни гапда тутган синтактик ўрнини аниқлаб,

уларни бошқа компонентлар билан боғлайдиган синтактик алоқаларни аниқлаш ҳамда уларнинг дифференциал синтактик белгиларини ва уларнинг морфологик хусусиятларини горизонтал (синтагматик) йўналишда юнкцион ва компонент моделлар ёрдамида асослаб бериш мақсадга мувофиқдир. Негативли элементлар гап таркибида ядро предикатив 2 вазифасида келганда, ядро предикатив алоқа асосий роль ўйнайди. Чунки бу синтактик алоқа гапнинг асосий қурилмасини ташкил этувчи компонентлар ўртасида мавжуд бўлиб, унинг бошқа синтактик алоқалардан фарқлайдиган асосий хусусияти ҳисобланади. Субординатив алоқа эса ядро бўлмаган тобе компонентни ҳоким компонент билан боғлайди.

4. Инглиз ва ўзбек тилларида неготивликнинг лексик усули бўлишсизлик олмошлари ёрдамида ифодаланиб, улар гап таркибида ҳар икки тилда ҳам ядро предикатив 1, ядро предикатив 2, ядро бўлмаган тобе компонент ўринларида келади. Инглиз тилининг ўзбек тилидан фарқи томони инкор олмошлари ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1, ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компонентлар вазифасида келиши билан ажралиб туради.

Ядро предикатив 1 вазифасида келган неготив олмошлари инглиз тили гап қурилмасида қўлланилганда ядро предикатив 2 вазифасида келган компонентга бўлишсизлик шакли қўшилмайди. Яъни оддий синтактик сатҳда бир пайтнинг ўзида иккита инкорни ифодаловчи элементлар ишлатилмайди, агар иккита бўлишсизлик элементи ишлатилса улар стилистик жиҳатдан экспрессивликни ифодалаб, литотани намоён қилади. Ўзбек тилида эса инкор олмоши гапда эга ўрнида келганда, албатта, унинг кесими ҳам бўлишсиз шаклда ифодаланади. Бу эса инглиз тилини монологнеготивлик тиллар гуруҳига, ўзбек тилининг полинеготивлик тиллар гуруҳига киришидан далолат беради. Ҳатто бундай ҳодиса инкор олмошларининг гап қурилмасида ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида келганида ҳам ўз аксини топади. Инкор олмошлари ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида келганда, уларнинг дистрибутив ҳолати ҳам фарқланади, яъни инглиз тилида улар ядро предикатив 2 компонентиға нисбатан постпозитив ҳолатда келса, ўзбек тилида препозитив ҳолатда берилади.

5. Инглиз тили гапларида ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компоненти ўрнида келган инкор олмошлари икки синтактик алоқа ёрдамида ўз ўрнини эгаллайди. Яъни инкор олмоши $\bar{N}DP_1$ ўрнида келганда ядро предикатив 2 компонентиға нисбатан субординатив алоқа ёрдамида боғланиб, унга тобе ҳисобланади. Ўзидан кейинги компонентға эса ядро бўлмаган предикатив алоқа билан боғланади. Бундай ҳолат ўзбек тилиға хос эмас.

6. Инглиз ва ўзбек тилларида бўлишсизлик бириктирувчи боғловчилар *neither ... nor* ва *на ... на* ёрдамида ифодаланиб, уларнинг гап қурилмасида асосан уюшиқ бўлақларнинг координатив алоқа ёрдамида боғланишини таъкидлаш лозим. Уюшиқ бўлақлари гапда қандай функцияни бажаришдан қатъи назар улар синтактик жиҳатдан тенгдир. Улар бошқа бир синтактик бирлик билан боғланишда тенглик сақлайди, яъни ё иккаласи бошқа бир компонентға тобе, ё бошқа бир компонент буларнинг иккаласиға тобе бўлади.

Ҳар икки қардош бўлмаган тилда инкорни ифодаловчи *neither ... nor* ва *на ... на* боғловчиларнинг гапдаги тутган ўрни ва англатган маъноси мос келиб, улар уюшиқ ядро предикатив 1, уюшиқ ядро предикатив 2, уюшиқ ядро бўлмаган тобе компонентлар олдида ишлатилиб, бўлишсизлик маъноси айнан бирга келган синтактик элементларга тегишлидир.

7. Инглиз тилида негативликни ифодаловчи аффикслар қўшилган лексемалар ўзбек тилига турлича ўгирилиши мумкин: **un** - *сиз-, бе-, ма-, но-* кабилар ёрдамида берилса, ўзбек тилидан **бе-** префиксли лексемалар англиз тилига *im-, dis-, un-, in-, ir-* кабилар орқали таржима қилинса, *но-* эса *un-, im-, ab-, ir-, in-, il-, dis-, non-* *сиз эса un-, ir-, dis-, non-, in-, il-, im-* кабилар орқали берилиши мумкин. Маълумки, англиз тилидаги негатив аффикслар ўзбек тилига таржима қилинганда турли негативликни ифодаловчи аффикслар ёрдамида берилса, ўзбек тилидан англиз тилига ўгиришда ҳам худди шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Негатив аффиксли синтактик бирликлар англиз ва ўзбек тилларида ядро предикатив 1, ядро предикатив 2, уюшиқ ядро предикатив 2, ядро бўлмаган тобе, уюшиқ ядро бўлмаган тобе компонентлар вазифасида келиши мумкин. Инглиз тили мисолида негатив аффиксли синтактик бирликлар гапда юқорида қайд этилган ўринлардан ташқари ядро бўлмаган предикатив 2 ўрнида ҳам келади.

8. Ядро предикатив 2 ўрнида келган процессуал синтаксемаларнинг лексик базаси ҳар хил семага эга бўлган феъллар ҳисобланиб, нокатегориал белгилардан негатив актив, негатив актив модал, негатив актив дериктив, негатив статив, негатив статив модал, негатив идентификацияловчи, негатив квалитатив, негатив квантитатив, негатив посессив, негатив экзистенциал синтаксемалар аниқланади.

9. Гап қурилмасида ядро предикатив 1 ўрнида келган инкор олмошлари англиз ва ўзбек тилларида субстанциал синтаксема асосида нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан негатив агентив, негатив объект, квалитативлик юклатилган негатив, негатив посессив, стативлик юклатилган негатив, негатив экзистенциал синтаксемалар аниқланди. Ядро предикатив алоқа асосида англиз тили мисолида барча негатив синтаксемалар негатив бўлмаган синтаксемалар билан боғланса, ўзбек тилида барча негатив синтаксемалар фақат негатив синтаксемалар билан боғланади.

10. Инкор олмошлари гап таркибида ҳар икки тилда ҳам ядро предикатив 2 вазифасида келиши мумкин. Бу вазифасида асосан субстанциал идентификацияловчи синтаксема аниқланади. Ядро предикатив алоқа асосида субстанциал негатив идентификацияланувчи синтаксема билан боғланади. Инглиз тилида бу синтаксеманинг лексик базаси *to be* боғлама феълнинг шахсли шакли ва инкор олмошларидан *nothing, none, nobody* орқали ифодаланса, ўзбек тилида *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч вақо* кабилар билан *йўқ* ёки тўлиқсиз феълнинг инкор шакли ёрдамида ифодланади.

11. Гап таркибида инкор олмошлари ядро бўлмаган тобе компонент вазифасида келиб, гапнинг ядро предикатив 2 компонентида тобе бўлиб, у субординатив алоқа билан боғланади. Ушбу ўринда субстанциал негатив объект, негатив локатив, негатив квалитатив синтаксемалардан ташқари

инглиз тилида субстанциал негатив компаратив, ўзбек тилида субстанциал негатив темпорал синтаксемалар аниқланди.

12. Инглиз тили гап таркибида инкор олмошлар ядро бўлмаган тобе предикатив 1 вазифасида келиши мумкин. Бундай ҳолат фақат инглиз тилига хос, ўзбек тили бундан мустаснодир. Чунки ўзбек тилида инфинитивли объект конструкциялар учрамайди, ҳатто таржиманинг ўзбекча вариантыда ҳам ядро бўлмаган предикатив алоқа йўқлигининг гувоҳи бўлди.

13. Инглиз ва ўзбек тилларида негатив боғловчилар *neither ... nor* ва *на ...на* кабилар ёрдамида уюшиқ бўлаклари ясалади. Бу боғловчилар уюшиқ бўлаклар олдида такрорланиб келади ва инкор маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай уюшиқ бўлаклар қайси ўринда келмасин улар координатив алоқа ёрдамида ўзаро боғланади.

14. Негатив аффиксли компонентлар гап таркибида ядро предикатив 1 вазифасида келганда субстанциал негатив агентив, стативлик юклатилган субстанциал негатив синтаксемалар ифодаланиши аниқланди, ядро предикатив 2 вазифасида келган негатив аффиксли компонентлар категориал белгилардан процессуал синтаксема асосида негатив актив, негатив актив континуатив, негатив актив резултатив, негатив актив дериктив синтаксемаларнинг ифодаланиши мумкин. Квалитативлик асосида эса негатив статив, негатив компаратив, негатив квалитатив синтаксемалар ва уларнинг ифодаланиши аниқланди. Негатив аффиксли компонентлар гап қурилмасида тобе компонентларга тобе бўлиб келганда субстанциал негатив объект, субстанциал негатив каузатив, квалитатив синтаксема асосида негатив квалитатив, негатив статив, негатив тарз, негатив индефинит квантитатив, негатив лимитатив бўлмаган синтаксемалар аниқланди.

15. Инглиз тилида негатив аффикслар сони ўнга. Улар “Macmillan Essential Dictionary” (–Midsomer Norton, Radstock, United Kingdom, London, 2007. – 861p.) луғати асосида статистик жиҳатдан ишлаб чиқилиб, тегишли жадвалда фоиз ҳисобида аниқ ёритилди. Ўзбек тили мисолида ҳам 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (–Тошкент: ЎМЭ, 2006–2008) асосида ушбу негатив аффиксларнинг (*бе-, но-, -сиз*) статистик ҳолати тегишли жадвалда қайд этилди. Шунингдек, негатив аффиксли лексемаларнинг инглизча – ўзбекча (1645 сўздан иборат) ва ўзбекча – инглизча (993 сўздан иборат) луғати ишлаб чиқилди ва у диссертацияга илова қилинди.

Диссертацияда таҳлил қилинган фактик материал асосида аниқланган 47та негатив синтаксеманинг ҳар бири типологик категория сифатида тил материалларини системали таҳлил қилишга кенг йўл очиб беради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каюмова М.С. О лингвистических методах изучения категории негативности на синтаксическом уровне// Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методо логик асослари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Самарқанд: Сам ДЧТИ, 2007. – Б.48-49.
2. Каюмова М.С. Способы выражения категории негативности в английском языке // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2007. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – Б. 87-88.
3. Каюмова М.С., Усмонов Ў.У. Краткий дискурс к изучению категории негативности в современном языкознании //Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – Б. 25-27.
4. Қаюмова М.С., Усмонов Ў.У. Ядро предикатив 1 (NP1) ўрнида келган негатив олмошлари ифодалаган синтаксемалар// Хорижий филология. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2009. – № 1. – Б. 62-65.
5. Каюмова М.С. Тобе компонент ($\bar{N}D$) ўрнида келган негатив олмошлар ифодаланган синтаксемалар // Роман ва герман тилшунослигининг долзарб муаммолари: илмий - амалий конференция тўплами. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 333-336.
6. Каюмова М.С. Инглиз ва ўзбек тилларида субстанциал негатив идентификацияловчи синтаксемалар ядро предикатив алоқаси // Хорижий тиллар мутахассисларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муаммолари: илмий - амалий конференция тўплами. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 150-152.
7. Каюмова М.С. Позиционные возможности отрицательных местоимений в структуре предложений английского языка. Объединенный научный журнал. – Москва, 2009. – № 11. – С.18-20.
8. Қаюмова М.С., Усмонов Ў.У. Ядро бўлмаган тобе ($\bar{N}DP_1$) ўрнида келган негатив олмошлар ифодалаган синтаксемалар // Хорижий филология. – Самарқанд, 2009. – № 3. – Б.34-36.
9. Каюмова М.С. Способы выражения категории негативности в английском языке. // Вестник Челябинского государственного университета. Филология. Искусствоведение. –Челябинск, 2010. – № 22. – С. 51-53.

Филология фанлари илмий даражасига талабгор Мунаввар Санакуловна
Қаюмованинг 10.02.20 – қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира
тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ихтисослиги бўйича “Инглиз ва
ўзбек тилларида негативлик категориясининг синтаксем тадқиқи”
мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар ва иборалар: компонент модел, ядро предикатив алоқа, субординатив, аппозитив, координатив, процессуаллик, субстанциаллик, квалификативлик, негатив, актив, дериктив, объект, агентив, статив, квалитатив, квантитатив, партитив, экзистенциал, дистрибуция, локатив, темпорал, континуатив, результив.

Тадқиқот мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади инглиз ва ўзбек тилларида негативлик категориясининг синтаксем тадқиқини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Инглиз ва ўзбек тилларидаги негатив элементли гап қурилмалари.

Тадқиқот методи. Тадқиқотда қиёсий-типологик, дистрибутив, трансформацион, статистик, компонент ва синтаксем таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ишда инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларидаги негатив элементли унсурлар А.М. Мухин ва унинг шогирдлари томонидан тилшуносликка татбиқ қилинган лингвистик метод асосида, яъни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш синтагматик йўналишда, синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эса парадигматик йўналишда олиб борилди ва улар қиёсий таҳлил қилинди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: инглиз ва ўзбек тилларида негатив элементли гапларни қиёсий-типологик жиҳатдан махсус моделлар ёрдамида синтагматик ҳамда парадигматик жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида қардош бўлмаган иккала тилда ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган томонлар аниқланди; синтаксемаларнинг систем муносабатлари ва уларнинг вариантлари, эксперимент методлари асосида ишлаб чиқилган натижалар қардош бўлмаган тилларда негатив элементли унсурларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш истиқболига кенг йўл очиб бериши кўрсатилди; негатив элементларни бошқа унсурлардан фарқлаган ҳолда, уларнинг синтактик қатламдаги семантик майдони аниқланди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот ишида негатив элементли гапларнинг синтактик таҳлилига янгича ёндашилган. Ундаги таҳлил натижаларидан назарий ва амалий грамматика, қиёсий-типология дарсликлари, ўқув қўлланмалар яратишда, синтактик типологиядан махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси: Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз филологияси факультети юқори босқич талабаларига амалий ва назарий грамматика, қиёсий типология каби фанларни ўқитишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилмоқда.

Қўлланилиш соҳаси: умумий тилшунослик, қиёсий типология, назарий ва амалий грамматика, таржима назарияси ва амалиёти, тилларни ўқитиш методикаси.

РЕЗЮМЕ

диссертации Каюмовой Мунаввар Санакуловны на тему: “Синтаксемное исследование категории негативности в английском и узбекском языках” на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.20 – сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознания; лингвистическое переводоведение

Ключевые слова и выражения: компонентная модель, ядро, предикативная связь, субординативная, аппозитивная, координативная связи, ядерный предикцирующий, процессуальность, субстанциальность, квалификативность, негатив, актив, дериктив, объект, агентив, статив, квалитатив, квантитатив, партитив, экзистенциальность, дистрибуция, локатив, темпорал, континуатив, результатив.

Объект исследования: компонентный и синтаксемный анализ предложений с негативными элементами английского и узбекского языков.

Цель исследования: сопоставительный анализ предложений с негативными элементами английского и узбекского языков с точки зрения синтаксической семантики и выявление изоморфных и алломорфных особенностей элементарных синтаксических единиц.

Методы исследования: компонентный и синтаксемный анализ, дистрибутивный, сравнительно–типологический, статистический, трансформационный методы.

Полученные результаты и их новизна: рассмотрены элементарные синтаксические единицы с негативными элементами предложения в сравнительно – типологическом плане английского и узбекского языков на основе моделирования в синтагматическом и парадигматическом планах. Выявлены дифференциальные синтаксико-семантические признаки, их варианты на основе метода – эксперимента и определены их основные сходства и расхождения с точки зрения синтаксической семантики.

Практическая значимость: использован новый подход к синтаксическому анализу предложений с негативными элементами, результаты которых могут быть применены при создании учебников и учебных пособий по теоретической и практической грамматике, сравнительной типологии, чтении спецкурсов по синтаксической типологии.

Степень внедрения: материалы исследования внедрены в практику преподавания курсов, “Теоретическая грамматика”, “Практическая грамматика”, “Сравнительная типология” на факультете английской филологии Самаркандского государственного института иностранных языков.

Область применения: общее языкознание, сравнительная типология, теоретическая и практическая грамматика, теория и практика перевода, методика преподавания английского языка.

R E S U M E

of Kayumova Munavvar Sanokulovna's thesis on the scientific degree of the candidate of philological sciences in speciality 10.02.20 – comparative historical, typological and comparative linguistics, theory of translation, subject: “Syntaxemic Analysis of Negative Category of the English and Uzbek Languages”

Key words and expressions: component model, nuclear predicative connection, subordinative, appositive, coordinative, nuclear predicated, processuality, substantiality, qualificativity, negative, active, directive, objective, agentive, stative, qualitative, quantitative, partial, continuative, distribution, locative, temporal, resultative.

Subject of the research: componential, syntaxemic and comparative analysis of English and Uzbek sentences with negative elements.

Aim of the research is to analyse: componential, syntaxemic and comparative sentences with negative elements in English and Uzbek to determine isomorphism and allomorphy of revealed syntaxemes.

Methods of the research: comparative method, distributional method, transformational method, statistical method, the method of componential and syntaxemic analysis.

The results achieved and their novelty: English and Uzbek sentences with negative elements are analysed on the basis of modeling, determined syntagmatic and paradigmatic relations of negative components and syntaxemes; system relations of syntaxemes and their variants which are revealed by means of the method of experiment have a great opportunity to investigate them from the point of view of comparative typology; Differentiative syntactical and semantical signs of negative elements in the structure of English and Uzbek sentences in different positions have been identified.

Practical value: new approach of syntactical analysis of sentences with negative elements, complex analysis of negative elements in English and Uzbek can be used in the lectures, special seminars and compiling text-books on theoretical grammar and comparative typology.

The degree of embedding: the materials of the investigation can be implemented into the practice of teaching the courses of “Practical Grammar”, “Theory of English Grammar”, “Comparative typology” at the faculty of English philology of Samarkand State Institute of foreign languages.

Sphere of usage: General linguistics, Comparative typology, Practical and Theoretical grammar, Theory of translation and Practice and the methods of teaching English.

ТАДҚИҚОТЧИ: